

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ,
ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ДАВЛАТ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

А.У.АХМЕДОВ, Ғ.Т.ПАРШИЕВ, С.А.АБДУЛЛАЕВ

ТУПРОҚ - МЕЛИОРАТИВ МОНИТОРИНГИ

**«NOSHIR»
ТОШКЕНТ – 2012**

УДК: 631.4:631.6
ББК 40.6

Ахмедов А.У.

А-90 Тупроқ - мелиоратив мониторинги/ А.У.Ахмедов, Ғ.Т.Парпиев, С.А.Абдуллаев; Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри даслат қўмитаси, Тупроқшунослик ва агрокимё давлат қўмитаси, Тупроқшунослик ва агрокимё давлат илмий-тадқиқот институти. – Тошкент: NOSHIR, 2012. – 160 б.

Т а қ р и з ч и л а р:

Қ/х.ф.д., профессор Х.Х.Турсунов

Б.ф.н., катта илмий ходим А.Ж.Исмонов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон республикасида Ер мониторингини юритиш Низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги 496-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталарининг 2001 йил 11 декабрдаги №01-690, №1/1-658, №01-1530 сонли қарорларига мувофиқ Тупроқшунослик ва агрокимё давлат илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан республикамиз ҳудудларида (вилоятларида), шу жумладан Сирдарё вилоятида 2003-2005 йилларда дастлабки Ер мониторингини юритиш ишлари амалга оширилган.

Мазкур монография «Ер мониторингини юритиш услуги» асосида институтнинг «Шўр тупроқлар генезиси ва мелиорацияси бўлими» томонидан бажарилган бўлиб, унда Сирдарё вилоятининг суғориладиган ерлари тупроқ-мелиоратив ҳолатини тавсифловчи маълумотлар келтирилган, дастлабки манба сифатида келгусидаги мониторинг тадқиқотлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Монография кишлоқ ва сув ҳўжалиги мутахассислари, тупроқшунослар, агрохимиклар, мелиораторлар, коллеж талабалари, бакалавр ва магистрлар ҳамда илмий изланувчилар учун мўлжалланган.

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Тупроқшунослик ва агрокимё давлат илмий-тадқиқот институти Илмий кенгаши йиғилишининг №24-12 сонли Баённомасига асосан чоп этишга тавсия этилган.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири – бу еримиз, тупроғимиз унумдорлигини доимий равишда ошириш билан боғлиқ экани барчамизга яхши аён. Бу мақсадга эришиш учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдек ўта долзарб масалаларга эътиборни янада кучайтириш талаб этилади.

Ислом КАРИМОВ

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»¹нинг 14-моддасида белгилаб қўйилганидек: «Ер мониторинги – ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат».

Дарҳақиқат, республикамизнинг арид иқлимли минтақалари аграр секторининг ҳозирги босқичида ерлардан тўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ўстириш ва барқарор ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш долзарб масалалардан ҳисобланиб, кўп жиҳатдан ҳудуднинг табиий ва инсон-хўжалик шароитларини, жумладан суғориладиган ерларнинг тупроқ-мелиоратив ва экологик ҳолатини ҳамда ерлардан фойдаланиш даражасини чуқур таҳлил қилишни, мунтазам мониторинг кузатуви ишларини олиб боришни талаб этади.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига Сирдарё

¹ Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. – Тошкент: «Адолат», 1999. – 448 б.

вилоятининг фойдаланишдаги умумий ер майдонлари 427,6 минг гектардан иборат бўлиб, шундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 292,8; экин майдонлари эса 256,8; мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлган ерлар – 16,7 минг (5,7%) гектар кўрсаткичларида қайд этилган¹.

Суғориладиган турли даражада шўрланган бу тоифа ерлар вилоятнинг турли геоморфологик, гидрогеологик ва тупроқ-иклим шароитларидаги «табиий-қишлоқ хўжалиги» районларида тарқалган бўлиб, ўзларининг агрокимёвий, агрофизикавий, физик-кимёвий, биологик ва бошқа хоссалари, унумдорлик ва ҳосилдорлик даражаси ҳамда мелиоратив ва экологик шароитларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Буларнинг барчаси ўз навбатида суғориладиган тупроқларнинг ҳолатини ва улардан фойдаланиш даражасини мунтазам кузатиб боришни тақозо этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон республикасида Ер мониторингини юритиш Низомини тасдиқлаш тўғрисида»²ги 2000 йил 23 декабрдаги 496-сонли қарорига асосан Ўзбекистон республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталарининг 2001 йил 11 декабрдаги №01-690, №1/1-658, №01-1530 сонли қарорлари билан республикамиз ҳудудларида (вилоятларида), шу жумладан Сирдарё вилоятида Ер мониторингини ташкил этилиши, юқорида зикр қилинган муаммолар ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳудуд суғориладиган ерларини тупроқ-мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерлардан самарали фойдаланишнинг энг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш, мамлакатимиз, айниқса вилоят қишлоқ

¹ Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий Ҳисобот. – Тошкент: «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2010. – 102 б.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №496-сонли Қарори: «Ўзбекистон Республикасида Ер мониторингини юритиш Низомини тасдиқлаш тўғрисида». – Тошкент, 2000 йил 23 декабр.

хўжалигини ва иқтисодиётини ривожлантиришда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шу боисдан, вилоятнинг эскидан суғориладиган зонаси (ҳудуди)даги турли табиий ва қишлоқ хўжалиги шароитларида кенг ривожланган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларининг мелиоратив-экологик ҳолатида содир бўлаётган салбий жараёнларни «Ер мониторингини юритиш услуги» (Низоми)¹ асосида аниқлаш, ўзгаришлар йўналиши ва интенсивлик даражасини қайд этиш, мелиоратив-экологик вазиятни баҳолаш, салбий жараёнларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда калит кузатув майдонларининг «Тупроқ шўрланганлиги» картограммаси ва олинган янги маълумотлар асосида тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Мазкур илмий асар асосини Сирдарё вилоятининг эскидан ўзлаштирилган ҳудудида тарқалган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларида илк маротаба ўтказилган тупроқ-мелиоратив мониторинги натижалари ва уларни баҳолаш маълумотлари ташкил этади.

Мониторинг натижалари Сирдарё вилоятининг эскидан ўзлаштирилган ҳудудида тарқалган эскидан ва янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларининг хоссалари, мелиоратив-экологик ҳолати ҳамда унумдорлигини яхшилаш ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш борасида ниҳоятда муҳим ҳисобланиб, бу борада тўпланган маълумотлар, келгусида олиб бориладиган Давлат «Ер мониторингини юритиш» ишларида ҳудуд тупроқларининг ҳозирги мелиоратив ҳолатини акс эттирувчи дастлабки (эталон) манбалар сифатида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикасида «Ер мониторингини юритиш услуги» (Низоми). – Тошкент, 2001. – 83 б.

1-БОБ. МИРЗАЧЎЛДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТУПРОК ВА ГИДРОГЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ, ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШДАГИ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

1.1. Мирзачўл тупроқларини ўзлаштириш ва суғоришнинг қисқача тарихий тафсилоти

Туркистон ва Нурота тоғ тизмалари оралиғида бетакроп табиати билан ажралиб турадиган, бепоён ястаниб ётган текисликдаги Мирзачўл унумдор ер-массивларининг мавжудлиги, унга туташ Сирдарё сувларининг яқинлиги қадим замонлардан бу ерларни ўзлаштириб, деҳқончиликда фойдаланиш орзуларини келтириб чиқарган.

Мирзачўлни ўзлаштириш ва суғоришга қаратилган уринишлар шубҳасиз узоқ ўтмиш, қадим замонларга бориб тақалади, буни ўз навбатида Сирдарё бўйида Х-ХV асрдаёқ қурилган Ўринбойўғиз, Искандарарик, Бухороарик¹ ва Эски Туятортар суғориш каналлари² ва бир қатор сардобаларнинг қолдиқлари исботлайди³.

Мирзачўлнинг марказий қисмидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш ишлари ХIХ асрнинг 70-йилларида Россия империяси томонидан Туркистон республикасини босиб олиниши билан боғлиқ бўлиб, бу даврда ерларни ўзлаштириш, Туркистон темир йўлини қуриш билан бир қаторда, темир

¹ Ўзбекистон вилоятлари, Қорақалпоғистон / Маълумотнома. – Т.: Комуслар Бош таҳририяти, 1995. 67-72 б.

² Мирзачўл // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.-Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. 5-жилд, - 696-697 б.

³ Муҳаммаджонов А. Қадимги сув иншоотлари тарихидан. – Тошкент, 1968. – 10-15 б.

йўл бўйидаги аҳоли турар жойлари ва Чиноз-Жиззах катта йўл атрофидаги қишлоқ ва овулларни сув билан таъминлашга йўналтирилган ишлар бошлаб юборилган.

Тарихчи Ў.С.Эрбўтаева¹ Мирзачўлда амалга оширилган дастлабки суғориш ишларини таҳлил қилиб, қўйидаги маълумотларни келтиради: 1903 йилда Американинг Карнеги номли Вашингтон институти томонидан Хантингтон раҳбарлигидаги археологик экспедиция Ўрта Осиёда суғориш истиқболларини тадқиқ этиб, Туркистон ўлкаси, шунингдек Мирзачўлдаги қадимги суғориш иншоотлари ва тизимларини ўрганган ҳолда, Туркистоннинг «қуриб кетиш» назариясини олға суришган. Аини шу даврда Чор Россиясининг бир қатор мутахассислари лойиҳаси асосида амалга оширилаётган Мирзачўл янги Магистрал каналининг қурилиши султлашади, лекин шу даврнинг атоқли рус олими А.И.Войеков, кейинчалик унинг ишини давом эттирган Л.С.Берг Хантингтон назариясини пучга чиқариб, Мирзачўл ҳудудида бошлаб юборилган ўзлаштириш ишларини тўхтатмасликни инобатга олган ҳолда, рад этиб бўлмайдиган далиллар билан суғориш орқали Осиёнинг арид, қурғоқчиликка хос Мирзачўл ҳудуди, Қўшма Штатлар ерларидан кўра, кўпроқ инсоннинг ҳаёти ва хўжалик фаолияти учун қулай эканлигини, бу борада албатта суғориш тарафдори эканлигини исботлайди.

Ваҳоланки, 1890-1900 йилларда Мирзачўл ҳудудида топографик қидирув ишлари ўтказилган бўлиб, Н.А.Димо раҳбарлигидаги тупроқ тадқиқот ишлари 1908-1910 йилларда ниҳоясига етказилган. Ушбу тадқиқотларнинг асосий мақсади – суғорма деҳқончиликда фойдаланиш мумкин бўлган ер захираларини аниқлашдан иборат бўлиб, ҳудуд

¹ Эрбўтаева Ў.С. Мирзачўлда суғориш ишлари (XIX аср охири XX аср бошлари) // Мирзачўл воҳаси тупроқлари унумдорлигини ошириш муаммолари ва вазифалари: мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси маърузалари тўплами. – Гулистон: ГулДУ, 2003. - Б. 38-41.

тупроқ ва грунтларининг келиб чиқиш генезиси, географик тарқалиш қонуниятлари, ер ости сувларининг сатҳи ва минераллашганлик даражаси ҳамда тупроқ шўрланиши сабаблари тўғрисидаги муҳим маълумотлар тўпланган. Г.К.Ризенкампф ушбу тадқиқотлардан олинган барча маълумотларга асосланиб, «Мирзачўлни суғориш янги лойиҳаси»¹ни ишлаб чиқади.

Шу тариха XX-аср бошларига келиб, Мирзачўл тупроқ қопламларини ўрганиш асосида муҳим босқич, яъни ҳудуд кўриқ ерларини ўзлаштириш ва суғориш ишлари кенг тус ола бошлаган.

Мирзачўлдаги тупроқ тадқиқотларининг навбатдаги йирик ва эътиборли босқичи собиқ иттифоқ Фанлар Академияси тасарруфидаги В.В.Докучаев номидаги ҳамда ЎзРФА Тупроқшунослик институтлари томонидан «Пахтаорол» совхози ҳудудида биргаликда амалга оширилган ишлар ҳисобланиб, ўз мазмуни, ҳажми ва олинган натижалар кўламига кўра, фанга кўшилган бебаҳо ҳисса ҳисобланади, муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади. Тадқиқотлар 1937-1942 йилларда В.А.Ковда ва М.А.Панков раҳбарлигидаги илмий ходимларнинг катта гуруҳи томонидан ўтказилиб, жуда кенг доирадаги масалалар: Мирзачўлнинг рельефи, геология ва геоморфологияси (В.А.Ковда), иқлим шароитлари (А.Н.Розанов), она жинслари (М.А.Панков ва А.Н.Розанов), сизот сувлари (В.А.Ковда), тупроқлари (А.Н.Розанов), тупроқ химизми (А.Н.Розанов ва И.М.Рашевская), ҳарорат режими (Л.И.Егоров), тупроқ ва она жинсларнинг сув ўтказувчанлиги (Л.И.Егоров), физик ва сув хоссалари (В.Н.Димо), ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларининг зичланиш сабаблари (Ю.П.Лебедев), агрокимёвий тавсифи (А.А.Лазарев), тупроқ эритмалари (П.И.Шавригин), органик моддалар (М.М.Кононова), органик моддаларнинг шакли ва

¹ Ризенкампф Г.К. К новому проекту орошения Голодной степи. ч. 1. 1930. – 25 с.

харакатчанлиги (А.А.Лазарев, А.Т.Кирсанов), суғоришнинг сизот сувлари чуқурлиги ва кимёвий таркибига таъсири (А.Н.Розанов, Ю.П.Лебедев), иккиламчи шўрланиш жараёнлари (А.Н.Розанов, М.А.Панков), шўрланиш ва мелиорация масалалари (В.А.Ковда, А.Н. Розанов, Ю.П.Лебедев) ва бошқа тадқиқотлар қамраб олинган. Олинган натижаларнинг бир қисми В.А.Ковда ва унинг ходимлари томонидан илмий мақолалар сифатида чоп этилган. Тадқиқот натижаларининг асосий қисми эса «Почвы Голодной степи как объект орошения и мелиорации»¹ номли йирик монографик асарда ўз аксини топган.

Мирзачўл тупроқларини ўрганиш ва мелиорация масалаларига бағишланган мажмуали тадқиқотларнинг энг йириги ва охири босқичи 1942 йилда Тупроқшунослик ва геоботаника институти сифатида қайта ташкил этилган ЎзРФА «Тупроқ сектори» ва собиқ иттифоқ ФА тасарруфидаги В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти томонидан амалга оширилган. Бу тадқиқотлар 1941 йилда бошланиб 1943 йилда ниҳоясига етказилган. Унинг асосий мақсади – Мирзачўл ерларини мелиоратив районлаштириш ва шўрланишга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, асосий йўналиш сув-туз режимлари ва балансини батафсил ўрганишга қаратилган, тадқиқот ишларини В.А.Ковда бошқарган. Гидрогеологик тадқиқотлар М.М.Крилов, А.Ф.Сляднев, Н.А.Кенесарин, тупроқ тадқиқотлари – М.А.Панков, Н.Т.Муравьева, А.З.Зайчиков, П.П.Нечкин, М.И.Братчева, В.М.Стец, В.Н.Димо, П.И.Шавригин ва Т.А.Гевельсонлар томонидан амалга оширилган. Тузларнинг келиб чиқиши ва режими, шунингдек шўрланган ерларни мелиорациясига оид масалалар тадқиқот натижаларининг маълумотлари В.А.Ковданинг Давлат мукофотига тақдим этилган «Происхождение и ре-

¹ Почвы Голодной степи, как объект орошения и мелиорации / Тр. Почвенного института им. В.В. Докучаева, Т. XXIX. – М., 1948. – 396 с.

жим засоленных почв»¹ номли 2 томли йирик монографиясида умумлаштирилган.

1950-1975 йилларда Мирзачўлнинг тупроқ қопламлари генезиси, суғориш таъсиридаги эволюция ва трансформация жараёнлари, шўрланиш сабаблари, сув-туз тартиботлари, зовурлар масаласи, шўрланган тупроқлар мелиорациясига (В.А.Ковда, В.А.Ковда ва В.В.Егоров, Ю.А.Скворцов ва Л.Н.Бабушкин, Н.Н.Леонов ва И.Н.Леонов, М.А.Панков, В.В.Егоров, О.К.Комилов, А.И.Калашников, В.А.Духовный, И.К.Киселева, В.М.Легостаев, Н.Г.Минашина, В.А.Молодцов, В.А.Молодцов ва З.М.Мурадова, С.П.Сучков), Мирзачўл тупроқларининг физикавий, сув-физикавий хоссалари ва сув тартиботига (С.Н.Рижов, С.Н.Рижов ва Н.Ф.Беспалов, Н.Ф.Беспалов, В.А.Молодцов, А.Н.Розанов, Н.И.Зимица, Н.Н.Аслонов, М.У.Умаров, Б.В.Горбунов, Н.Н.Аслонов ва С.Н.Рижов), Мирзачўл ва унга туташ Туркистон тоғ тизмаси шимолий ёнбағирлари гидрогеологик шароитлари, сизот сувларининг тартиботи ва баланси (Н.А.Кенесарин, М.М.Крилов, В.М.Легостаев, Б.В.Федоров, А.С.Хасанов, Н.М.Решеткина, И.К.Киселева, Д.М.Кац, Н.Н.Хожибоев ва М.С.Алимов, Н.Н.Хожибоев ва С.Анорбоев, Х.Т.Туляганов, М.А.Панков ва бошқалар) бағишланган бир қатор илмий ишлар матбуотда эълон қилинган.

Мирзачўлни 1917-1956 йиллар мобайнида ўзлаштириш ва суғориш билан боғлиқ ишларда бир қатор сусткашликларга йўл қўйилиб, маълум сабабларга кўра тўхтаб қолишига қарамасдан, тупроқ қопламларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар мувоффақиятли амалга оширилган. Мирзачўл кейинчалик 300 минг тонна пахта берувчи суғориладиган воҳага айланган, ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича унинг

¹ Ковда В.А. Происхождение и режим засоленных почв. – М.: Изд-во АН СССР, 1946. Т. 1. – 568 с.

Ковда В.А. Происхождение и режим засоленных почв. – М.: Изд-во АН СССР, 1947. Т. 2. – 375 с.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/707> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/707> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/707>